



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG'I

20 19 yil " 09 " 03 194 -son

Toshkent sh.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2019 йил 28 февралдаги 205-сонли
буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги "Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2019 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги 205-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида" 2019 йил 25 февралдаги 133-ф-сонли Фармойиши ижро учун қабул қилинсин.

2. Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи (М.Т.Муллажонов) ва Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи (А.Э.Абдуллаева)ларга

- Институт томонидан ўтказиладиган халқаро анжуманларда соҳанинг нуфузли хорижлик мутахассисларни, шу жумладан, хорижда истиқомат қилаётган ватандош олимларни жалб этган ҳолда анжуманлар доирасида маърузалар, мавзули семинарлар ва маҳорат дарслари ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

- анжуманлар дастурини ишлаб чиқиш, ҳар бир анжуман якуни буйича қабул қилинган тавсияларни иқтисодийнинг тегишли тармоқ ёки соҳаларига тадбиқ этиш буйича чора-тадбирлар дастурини манфаатдор ташкилотлар билан келишишни ташкил қилиш.

- анжуманлар ўтказилгандан сўнг бир ҳафта муддатда анжуман якуни буйича қабул қилинган тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш буйича чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши ҳамда анжуманларнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни

вазирликнинг Илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

- анжуман доирасида нашр этиладиган мақолалар тўпламига киритиладиган мақолаларнинг мазмунини илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари ечимига йўналтирилганлиги, шунингдек мақолаларга қўйиладиган талаблар халқаро стандартларга мос келишини, мақолаларда келтириладиган хаволалар Scopus, Web Science, Springer ва шу каби ахборот базаларига киритилган журналлардан олинганлигига эътибор қаратилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Институт матбуот қотиби (Н.Л.Усмонова)га

- Институтда ўтказиладиган анжуманлар фаолиятини институт сайтида кенг ёритилиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор (З.А.Юлдашев) ва Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (Н.С.Нормахаматов)ларга:

- анжуманларни белгиланган муддатларда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини назорат қилиш, уларнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 февральдаги 205-сонли буйруғи.

Ректор

И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI

